



# ХАВАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1996 йил, 26 апрель № 17 (194) ●

Сотувда нархи эркин

## ҲАМКОРЛИҚДА ҒАП КЎП...

Тошкентда 1904 йили «Сименс ва Гальске» немис фирмаси билан ҳамкорликда умумий фойдаланишга мўлжалланган дастлабки телефон станцияси қурилган эди. Орадан 90 йил ўтган бу ҳамкорлик қайтадан тикланди. «Сименс» ҳиссадорлик жамияти Тошкентда ўз ваколатхонасини очди. Бу ҳамкорлик туфайли Ўзбекистон пойтахтида 1995 йилнинг бошиданок шаҳарлараро автомат-телефон станцияси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Маълумки, жорий йилнинг февраль ойдан бошлаб Транс-Осиё-Европа кабель магистраллини бунёд этиш ишлари бошлаб юборилган эди. Ма-

на уч ойдирки, ўзбекистонлик алоқачилар «Сименс АГ» фирмаси билан ҳамкорликда ушбу курилишда муваффақиятли иш олиб боришмоқда. Ҳозирга қадар 60 километр узунликда зовур қазилиб, 40 километр масофага шиша толали кабеллар ётқизилди. Германиядан ўта самарали ер қазийдиган машиналар олиб келинди.

— Бу механизмлар магистралда олиб борилаётган ишларни сезиларли жонлантиради, — дейди биз билан суҳбатда Шаҳарлараро алоқа ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлигининг ўринбосари М. Одилов. Бу фирма «Алоқинвест» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раисининг

ўринбосари Б. Бурҳонов куйидагиларни қўшимча қилди:

— Яқин кунлар ичида Германиядан юқори сифатли кабель маҳсулотлари келтирилади. Бу кабеллар пайвандлаш учун жуда қулай бўлиб, ишимизнинг боришини тезлаштириб юборади.

Жорий йилда «Сименс АГ» фирмаси иштирокида Тошкент шаҳридаги 62, 91, 95-АТСларнинг усқуналари рақамли, замонавий жиҳозларга алмаштирилади, шаҳар марказида эса 37-АТСнинг станцион маҳмуаси қурилади. Пойтахтда 40,0 минг рақамга мўлжалланган янги алоқа тизими ишга туширилади.

— Шаҳримиздаги 62-АТС

учун Германиядан барча зарур жиҳозлар келтирилди. Пайвандчилар бригадаси ишга шай туришибди, — дейди Мирзо Улуғбек тумани телефон тармоғи бошлиғи А. Алимбоев.

«Сименс АГ» фирмаси шартномага мувофиқ Самарқанд шаҳрида ҳам янги АТСларни бунёд этишда қатнашди. Ушбу шаҳарда 20,0 минг рақамга мўлжалланган АТСларнинг жиҳозлари рақамли усқуналарга алмаштирилади. Ҳамкорлар жами 60,0 минг рақамли алоқа тизимлари шу йилнинг 1 сентябригача фойдаланишга топширилишини маълум қилишди. Бу юртимиз мустақиллигининг 5 йиллик тўйига муносиб совға бўлади.

А. КУДИНОВ

\* Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси ўз ишини бошлади.

\* Ўзбекистон Республикаси Президентли Ислам Каримов 21 апрель куни Франция Республикасига ташриф буюрди. Президент Ислам Каримов Елисей саройида Франция Республикаси Президентли Жак Ширак жавоби олийлари билан учрашди.

\* Тошкентда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кумитасининг навбатдан ташқари IV пленуми бўлиб ўтди. Пленум Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг навбатдан ташқари Курултойини чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

## ОЛАМДА НИМА ҒАП?

\* Янгиликлар  
\* Воқеалар  
\* Хабарлар

\* 23 апрель куни Тошкентда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) «Марказий Осиё: ЕХҲТ доирасида кенг қамровли хавфсизлик ва минтақа талаблари» маърузиди симпозиуми бўлиб ўтди.

\* Фарғона шаҳрида теннис бўйича ўтказилаётган халқаро «Челленжер» мусобақасини ёритувчи журналистлар учун матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

\* ЮНИСИС жаҳондаги энг йirik компьютер компанияларидан ҳисобланади. Тошкентда унинг ваколатхонаси очилди. Ушбу ваколатхона нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё ҳамда Кавказорти республикаларига ҳам мўлжалланган.

\* Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси Андижон вилоят бўлими ва «Интер-Ўзбекистон» ташқи иқтисодий-илмий ишлаб чиқариш савдо бирлашмаси муассислигида Андижон шаҳрида «Наврўзи олам» номли ижтимоий-адабий тазеатнинг нишона сони чиқди.

\* Дудевичлар делегациясининг Москвадаги музокаралардаги собиқ бошлиғи Хўжа Аҳмад Ярихановнинг ИТАР-ТАСС мухбирига маълум қилишича, «Дудавес ўлдирилган, бунга шубҳа йўқ».

\* Украина НАТОнинг шарқда қараб кенгайишига қараман собиқ СССР ҳудудига ташқи этилшини мумкин бўлган ҳарбий блокка қирмаслиғи тўғрисида баёнот берган.

\* Берлинда бўлиб ўтган «Чернобыль: ўн йилдан сўнг» анжуманида ушбу атом электр станциясида рўй берган фожиа оқибатида 25 минг киши ҳалок бўлганлиғи тўғрисида маълумотлар келтирилди.

## ИШ БОШИ ИНТИЗОМ

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни бирлашма бошлиғи Шомансур Обидхўжаев олиб борди. Унда шаҳар аҳолиси ва пойтахтдаги корхоналарни сифатли телефон алоқаси билан таъминлаш масалалари кўриб чиқилди. Бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар, муаммолар ҳамда алоқачи-мутахассисларнинг масъулияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Кейинги пайтларда нафақат ишчи-ҳодимлар, балки айрим корхона раҳбарларининг фаолияти ҳам талабга жавоб бермаётгани, ўз вақтида сим орқали мулоқотлар ўтказилмаётгани очиқ-ойдин айтилди. Йиғилишда аҳолига сифатли алоқа хизмати кўрсатиши ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Саидақбар АЪЗАМОВ,  
«ХАВАР»нинг  
жамоатчи  
мухбири



Нурхон ОРИПОВА Тошкент шаҳарлараро телефон станциясининг коммутатор центрида чорак асрдан буён меҳнат қилиб, топшириқларни ортиғи билан бажариб келимоқда.

Суратқаш Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ

## ИСТИҚЛОЛИМИЗ БАРҚАРОР БЎЛСИН

Юртбошимиз Ислам Каримов 1996 йил 15 март куни Россия Федерацияси давлат Думаси собиқ тузумни қайта тиклашга уринишини мутлақо асосиз, деб таъкидлади. Ахир, бир давлат парламентининг бошқа мустақил давлатлар устидан андишасизларча «хўкми» чиқаришини қандай баҳолаш мумкин? Бизнингча, бу ўтакетган нодонлик ва калтабинликдан айтган фикрлари ҳар бир ўзбекистонликни тўлқинлантириб юборди.

донлари ўз ниятларини амалга ошириш учун ҳеч қандай ҳаётий зарурат, қолаверса, имконият йўқлигини англаб етмаётган бўлсалар?

Бу ҳақида Президентимизнинг хоржий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари раҳбарлари, чет эл ҳамда республикамиз журналистлари билан учрашувида айтган фикрлари ҳар бир ўзбекистонликни тўлқинлантириб юборди.

Ўзбекистон ўз мустақиллиги-

дан ҳеч қачон воз кечмайди. Биз тенглар қаторида тенг бўлишни, барча мамлакатлар билан муносабатларимизни ўзаро фойдали ва тенг ҳуқуқли асосда куришини истаимиз. Президентимиз таъкидлаганидек, биз учун энди орқага қайтишга йўл йўқ: бизнинг йўлимиз тўғри йўл, мустақиллик йўлидир, демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этиш йўлидир, миллати ва диний эътиқодидан қатъий назар, Ўзбекистоннинг барча фуқаролари учун муносиб турмуш ва меҳнат шароити яратиш йўлидир.

Султонхўжа ОРИФХЎЖАЕВ



Яқинда «Алоқинвест» ҳиссдорлик жамиятининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда 1995 йилги иш якунлари кўриб чиқилди ва 1996 йилдаги асосий вазифалар белгилаб олинди. Конференцияда «Алоқинвест» ҳиссдорлик жамиятининг раиси А. Т. Тоғайлиев маъруза қилди. Нотик мулк шаклининг ўзгариши натижасида алоқа қурилиши соҳасида ҳам янгиликлар содир бўлаётгани, бир қатор ташкилотларда бажарилган ишлар ҳажми сезиларли даражада ортгани ҳақида тўхталиб. Масалан, Тошкент иқтисодлаштирилган қурилиш бошқармаси (бошлиғи Б. А. Исроиловнинг ўсиш кўрсаткичи 121,2 фоизни, Андижон механизациялашган кўча колоннасида (бошлиғи З. М. Эшонжонов) — 160, Хоразм МККсида (бошлиғи К. Б. Курёзов) — 114,2, Жиззах МККсида (бошлиғи Н. К. Қобилов) — 118,5, Сирдарё МККсида (бошлиғи Н. Т. Бобоев) — 117,3 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга меҳнат унвдорлиги олий маълумотли.

тиб бормоқда.

«Алоқинвест» ҳиссдорлик жамияти 1995 йилни 50 миллион сўмлик баланс фойдаси билан якунлади. Шу боис катта ҳажмда ре-

технологияларга асосланган замонавий алоқа турлари жорий қилишни талаб қилмоқда. Буни яхши тушуниган корхоналар ўз ходимларининг касб савиясини оширишга

кам иш ҳақининг 2,5 баробарини ташкил қилди.

Конференцияда 1996 йилда ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим ишлар — ишлаб чиқаришда иқтисодий самардорликка эришиш, оқ-

ги буюртмалар мажмуасини шакллантириш ҳам «Алоқинвест» ҳиссдорлик жамиятининг асосий вазифасидир. Шунингдек, қурилиш-монтаж ишлари бирлигига сарфланадиган моддий-техникавий ва энергия харажатларини тежаб бориш, жамиятнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларининг «буюртмалар мажмуасини» шакллантириш юзасидан жавобгарлигини ошириш, Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг боришини таъминловчи қонунлар ва қонуний ҳужжатлар асосида ҳиссдорларнинг фаолиятини тақомиллаштириш ҳам асосий вазифа қилиб белгиланди.

Шундай қилиб, «Алоқинвест» ҳиссдорлик жамиятининг йиллик ҳисоботида кун тартибига қўйилган масалалар атрофида муҳокама этилди ва зарур қарорлар қабул қилинди.

**М. СМОЛЕНЦЕВ,**  
«Алоқинвест» ҳиссдорлик жамияти раисининг ёрдамчиси

## ҚУРИЛИШ МАЖМУАСИДАГИ ИСЛОХОТЛАР

зерв ва марказлашган жамғармалар ташкил қилишга имкон туғилди. Натижада номинал қиймати 100 сўмдан бўлган акциялар бўйича 400 фоизлик дивиденд тулаш учун 5813,5 миң сўм маблағ ажратилди ҳамда фойда ва рентабеллик ҳисобидан Алоқа вазирлигига қарашли ўқув юрталарига моддий ёрдам кўрсатилди.

Меҳнат жамоаларининг юқори иш унумига эришишларида малакали мутахассислар катта ҳисса қўшмоқдалар. Фойда билан ишлётган корхоналарга асосан ёш мутахассислар раҳбарлик қилишмоқда. Уларнинг кўпчилиги олий маълумотли.

Бозор иқтисодига ўтиш илгор

эътибор бермоқдалар. Айниқса Марказий Осиё телекоммуникация ўқув маркази билан ҳамкорликда бу йўналишда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳиссдорлик жамияти фаолиятида ижтимоий масалалар ҳам катта ўрин эгаллайди. Шу боис 1995 йил мобайнида қурилиш мажмуасидаги меҳнат жамоалари асосан сақлаб қолинди, ҳатто мавжуд иш ҳоли 107,7 фоизни ташкил қилди.

Қурилиш мажмуаси соғломлашувининг асосий сабабларидан бири — қуйи тармоқларни иш ҳақи билан ўз вақтида таъминлаб боришидир. Ўтган йили қуйи ходимлар иш ҳақи республикадаги энг

саётган корхоналар молиявий аҳволини яхшилаш, «Ўзбектелеком» концерни билан Транс-Осиё-Европа кабель магистрала ва давлат аҳамиятига эга бўлган ишоотлар бўйича шартнома мажбуриятларини бажариш, буюртмачи ва маҳсулот жўнатувчилар билан ўзаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш, солиқ муассасалари билан ҳамкорликда ишлаш каби вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини тараққий эттириш ва ривожлантиришнинг 2010 йилгача мўлжалланган Миллий дастури»га мувофиқ 1996 йил-

## ЯНГИ ТЕХНИКА ЯНГИ АВЛОД КЎЛИДА

Республикамизда алоқа хизматини яхшилашга қаратилган Миллий дастур бўйича кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, телефон алоқасини яхшилаш мақсадида мавжуд декадали одимлаб ишловчи ва координат тизимдаги АТСларни электрон АТСларга алмаштириш, қурилаётган янги станцияларни фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини ўзида муҳасамлаштирган замонавий ускуналар билан жиҳозлаш борасида Жанубий Кореянинг «ДЭУ», Туркиянинг «Негаш», Германиянинг «Алкатель» ва «Сименс» фирмалари билан шартномалар тузилди ва республикамизнинг турли шаҳарларида мажмура фирмалар билан ҳамкорликда янги АТСлар ишга тушириляётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Яқинда ана шу фирмалар қаторига Италиянинг «Италтель» фирмаси ҳам қўшилди.

Республикамиз худудидида бир вақтнинг ўзида бир неча фирмаларнинг иш олиб бориши фирмалараро рақобатнинг пайдо бўлишига, Ўзбекистон алоқачиларига улар ичидан ҳар томонлама мақбулини танлаш ва самарали ҳамкорликни давом эттириш имконини берди. Италияликлар билан Чилонзор туманининг 30-даҳасида АТС қуриш ҳақида шартнома тузилди. Мамнуният билан шуни айтиш керакки, италияликлар электрон АТСнинг энг сўнгги авлодига мансуб бўлган

жиҳозларини келтирдилар ва шу йилнинг январь ойидаёқ монтаж ишларини бошлаб юбордилар. Бундай АТСлар аввалги электрон АТСлардан анча ихчамлиги, вентиляция ва совитиш тизимининг соддалиги, электр энергиясини кам сарф этиши ва арзонлиги билан фарқ қилади. Гарчи Россия билан Италия ўртаси-


ни эласак, мустақиллик берган яна бир неъматдан баҳраманд бўляётганимиз қабдимизни шодликка тўлдирди.

«Биз шундай станцияларни ишлата оламизми?» деган савол туғулиши табиий. Ҳозирги ва келгусида қуриладиган АТСларнинг фақат электрон АТСлар бўлиши, ЭХМларни ва умуман электрони-

бўлган носозликлар ҳақидаги сигнал автоматик тарзда электрон АТСлар учун ташкил этилган марказий тузатиш бюросига узатилади, у ердаги диспетчер барча чора ва тадбирларни кўраверди. Италияликлар қураётган АТС хусусида эса «Италтель» билан тузилган шартномага биноан фирманинг Москвадаги ўқув марказида ёш, иқтидорли муҳандислардан З. Асқарова, А. Умаров ва Ф. Исмаиловлар ўқиб келишди.

Замира Асқарова мажмура 70-АТС қурилиши бўйича техника назорати муҳандиси этиб тайинланди ва қурилиш-монтаж ишларининг биринчи куниданоқ италияликлар билан ёнма-ён ишлаш бошлади. Тошкент Электротехника алоқа институтини тугатиб, пойтахтнинг турли АТСларида ишлаган, «Алкатель» фирмаси қурган станцияларда тажриба орттирган, Москвада назарий билимларни пухта эгаллаган, билимга ташна ва серҳаракат Замира тез орада италияликларнинг ишончи ва ҳурматини қозонди. Замиранинг издошлари кўпайиши учун эса корхонада барча зарур чора-тадбирлар кўриляпти.

**Сандақар АЪЗАМОВ,**  
Чилонзор телефон алоқаси боғламасининг бошлиғи,  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ



70-АТС қурилиши бўйича техника назорати муҳандиси Замира АСҚАРОВА жиҳозларнинг ишлашини назорат қилмоқда.

да ҳамкорлик имзоланганига анча бўлган, Москвада Италиянинг алоқа техникасини ўқитиш бўйича марказ ташкил этилганига қарамай, Россиянинг ҳали бирон-бир шахрида бундай станциялар ҳанузгача қурилмаганини назарда тутсақ, собиқ Иттифоқ даврида алоқа техникаси ва технологиясини жорий этиш борасида Ўзбекистон собиқ Иттифоқдаги республикалар ичидида сўнгги ўринлардан бирини эгаллаб келгани-

ка соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни телефон техникасига мунтазам кириб келаяётганини назарда тутиб, Чилонзор телефон алоқаси туғунда электрон АТСларни ишлатиш марказини тузиш режаси бор. Одатда электрон АТСлар учун амалдаги техник талабларга мос шартот яратилганида ва АТСлар яхши созланганида АТСда доимий навбатчилар ва муҳандисларга эҳтиёж қолмайди. АТСларда руй бериши мумкин

## ҲОЙДАЛИ АНЖУМАН

Бувайда тумани почта алоқа боғламаси аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Фарғона вилояти почта алоқа боғламаси маъмурияти бувайдалиқларнинг тажрибасини вилоят туманларида кенг оммалаштириш мақсадида бу ерда кўргазмали семинар ташкил этди.

Вилоятдаги почта алоқа боғламаларидан семинарга ташриф буюрганлар Бувайда туманидаги ўн бешта почта алоқа бўлимларида бўлишиб, тажриба алмашдилар. Ушбу анжуманининг якуний қисми туман марказида ўтказилди. Йиғилишда Боғдод почта алоқа бўлимининг бошлиғи Р.Қамбаров, Ўзбекистон тумани почта алоқа бўлимининг бошлиғи Й.Ҳамроқуловлар сўзга чиқиб, Бувайда почта алоқа боғламаси, айниқса, Бочқир, Кўнжирот, Бувайда ва Қамар қишлоқ почта алоқа бўлимида меҳнатқашларга хизмат кўрсатиш юқори савияда эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

**Қаюмжон Турсунов,** Фарғона вилояти

## МАЗМУНЛИ УМР

Дониёр Райимов Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги Мўдин қишлоғида туғилган. У Амин Умарий номи ўрта мактабни тугатгач, Тошкент Алоқа коллежининг автомат-электр алоқаси бўлими ҳамда иқтисодчи-муҳандислик бўлимларида таҳсил олган, кўп йиллар почта ва алоқа хизматининг барча соҳаларида меҳнат қилган. Мана ўн йилдирки, Дониёр Райимов Косон туман почта алоқа боғламаси бошлиғининг муовини вазифасида хизмат қилиб келмоқда.

Тумандаги 20 та алоқа бўлимида ишининг бир маромда бориши, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятининг юқори даражада бўлиши, шунингдек, тумандаги 16700 нафақачининг ўз вақтида нафақа олиши ҳамда обуначиларга намунали хизмат кўрсатилишида Дониёр Райимовнинг ҳам ҳиссаси бор.

Яқинда Косон туман почта алоқа боғламаси жамоаси Дониёр Райимов таваллудининг қирқ беш йиллиги ҳамда почта хизматидаги фаолиятининг йигирма йиллигини нишонлашди. Маросимда почта алоқа боғламаси бошлиғи Маҳмуд Ҳақбердиев, электралоқа бўлими бошлиғи Рустам Раупов, беш ҳисобчилар Ҳалимаҳон Нуфтуллаева, Рауп Абдуллаев, муҳандис Мингбой Файзиев, ходимлардан Озодаҳон Аҳмедова, Маша Курбонова, Кўзи Рўзиев, Шоҳистаҳон Аҳмедова, Иброҳим Очилловлар сўз олишиб, Дониёр Райимовни қизгин кутлашди ва унга эсдалик совгалари топширишди.

**Нормамат ТОҒАЕВ,**  
Қашқадарё вилояти

«Ўзбектелеком» концерни жамоаси Сурхондарё вилояти давлат электралоқа корхонаси бошлиғи Олим Эшоновага укаси

**Муҳаммад ЭШОНОВНИНГ**  
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

## РАҲМАТ СИЗГА ШИҲОҚОРЛАР!

Мен Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳридаги почта тизимида узок йиллар меҳнат қилиб, нафақага чиққанман. Турмуш ўртоғим ҳам меҳнат фахрийси.

Соғлигимиз кейинги пайтларда анча ёмонлашгани боис Тошкент шаҳридаги «Турон» санаторийсига бориб даволанишга тўғри келди. Бу ўринда шуни айтиш керакки, мажмура сихатгоҳда илгари ҳам даволанганми. Лекин бу гал даволанишимиз самарали ва қувончли бўлди. Бу ерда би-

**Дина ХУҲАЕВА,**  
алоқа фахрийси



Қурбон ҳайтда ҳам худди рўза ҳайтдагига ўхшаш, мусулмонлар учун икки ракаат намоз ўқимоқлик зарурат ҳисобланади. Бироқ бунда рўза ҳайтдаги удумлар билан бир қаторда ундан фарқли томони ҳам бор. Жумладан мусулмонлар назидда ҳайит намози ўқиб бўлинганча, одатда ҳеч нарса тановул қилмай, емай, намоздан сўнг қурбонлик учун сўйилган кўй гўшти билан овқатланиш савоб ҳисобланади.

Бу байрамнинг туб моҳияти ҳаж маросими билан боғлиқ. Моддий имконияти бор, соғлиги йўл азиятларига чидаш бера олишига кўзи етган, балоғат ёшидаги ҳар бир мусулмон умрида бир марта ҳажга, яъни Макка зиёратига бормоғи ва у ерда ўзига хос бир қанча ибодат маросимларини бажармоғи лозим. Ҳаж маросимлари Макка шаҳри ва унинг яқин-атрофларида ўтади.

Ҳаж қилишнинг қоида тарзига айланган ўзига хос расм-русумлари бор ва улар, асосан, Муҳаммад пайгамбар охириги видолашув ҳақида (631 йил, баъзи маълумотларда 632 йил) бажарган ишлардан иборат.

Ривоят қилинишича, Иброҳим пайгамбар Ҳожар онамиз билан ҳозирги Макка шаҳри барпо бўлган жойга келишарди. Бу ерда Ҳожар кўзи ёриб

ўғил кўради, лекин сув йўқлигидан қийналади ва охири болани йўргаклаб, ўзи сув қидириб кетади. Шу яқин ўртадаги Сафо ва Марва тепаликлари орасидан «Мана сув» деган овоз эшитилади. Ҳожар овоз кетидан у тепадан бу тепага етти марта югуради, бироқ сув топа олмайдди. Шу сабабдан, ҳажга борган ҳожилар учун Сафо ва

қурбонлик қил», — деган овоз эшитилади. У тонг сахар уйқудан туриб юзта кўй келтириб сўяди. Иккинчи кеча тушида яна ўша овоз такрорланади. У эртасига юз тева (туя) қурбонлик қилади. Бироқ, учинчи кеча тушида яна кулоғига таниш овоз чалинади. Шунда Иброҳим, энди нимани қурбонлик қилишим керак, деб сўраган-

ат қилмоқ ақидасидан оздирилмади. Исмоил отасига, бир қари чол уни йўлдан қайтармоқчи бўлаётганини айтганда, Иброҳим у чол қиёфасидаги Иблис эканлигини айтиб, унга тош отишни буюрган. Исмоил Иблисга қарата еттига тош отган. Шу сабабдан, ҳажга борган ҳожилар учун тош отмоқ удум бўлиб қолган.

Ниҳоят, Аллоҳ томонидан кўрсатилган жойга етишганда, Иброҳим ўғли Исмоилнинг оёқ-кўлини боғлаб, бўғзига пичоқ тортади. Бироқ, у қанчалик уринмасин, пичоқ кесмайди. Шу пайт Жаброил етиб келиб, Аллоҳ Иброҳимнинг содиқлигига ишонч ҳосил қилганлиги ва ўғли Исмоил ўрнига битта кўй олиб сўйиш буюрилганлигини етказди. Иброҳим Аллоҳ амри билан кўй олиб келиб сўяди. Аллоҳ амри билан айтилган бу сўзлардан сўнг, қурбонлик учун кўй сўйиш удум бўлган экан.

Шундан сўнг, мусулмонлар учун қурбонлик қилиш ва унда кўй сўйиш одат тусига кирган. Иброҳим эса, Аллоҳга изҳор этган садоқати учун «Халилulloҳ» (Аллоҳнинг дўсти) деган сифатга эга бўлди ва мусулмонлар уни Иброҳим халилulloҳ дейдилар.

«МУРОДБАХШ КУНЛАР»  
китобидан

## ҚУРБОН ҲАЙИТИ

Марва тепалари ўртасида етти марта илдам бориб-келиш суннат ҳисобланади.

Ҳожар сув топа олмагач, «Исмаъ ё Ил!» — деб нидо қилади (бу сурёни тилида «Ё Аллоҳ мени эшитгин!» — дегани).

Ҳожар ўғлининг йиғлаган овозини эшитиб қайтиб келади. Қараса, чақалок икки оёғи билан ерни тепар, ўша жойдан эса сув булоқ бўлиб чиқиб ётарди («Зам-зам» кудугининг суви ҳозиргача муқаддас саналади). Бу ҳолни кўрган Ҳожар, «Аллоҳ зоримни эшитди», — деб севинганидан ўғлини Исмоил деб атади.

Бир куни Иброҳим туш кўради. Тушида ғойибдан «Тур-

да, ғойибдан «Биздан ўзга кимни суйсанг ўшани қурбон қил» — деган овоз чиқади.

Иброҳим эрталаб туриб, хотини Ҳожарга: «Исмоилни ювиб-тараб, ахшилаб кийинтир, бир дўстим кўрмоқчи экан, ўшанинг олдига олиб бораман» — дейди ва йўлга чиқиш олдида арқон билан пичоқ ҳам олади. Ҳожарнинг «арқон билан пичоқ не учун», деган саволига, «Кўй олиб келмоқчиман, ҳар эҳтимолга» деб жавоб беради.

Ота-бола олдинма-кетин кетаётганларида Иблис уларни Аллоҳ буюрган бу йўлдан қайтаришга уриниб, кўнгилларига васваса солмоқчи бўлди. Лекин уларни Аллоҳ буюрганига ито-

### БОЛАҲАҚИТ МАЛИ МАРИА

#### ГИЛОСНИ КҮП ЕГАН

Неъматнинг шаҳарга биринчи тушиши. Вой-бу, бунча одам кўп бўлар экан. Агар акиси кўлидан ушлаб юрмаса, бувиси тайинлагандек, «лўлилар тўрвасига солиб кетиши» рост экан.

— Яхши ўйнаб келдингми, кўзичоғим. Шаҳарда нималарни кўрддинг? — сўради бувиси кишлоққа қайтганида.

— Жуда кўп нарсани. Ҳайвонот боғига ҳам бойдик. Буви-чи, буви, шаҳарлик аёллар гилосни кўп ейишар экан.

— Бу гапни қаёқдан топдинг?

— Ўз кўзим билан кўрдим. Ҳамма аёлларнинг лаби қип-қизил экан.

#### УЙЛАНГАНДА БИЛАСАН

— Дада, ичаётганингиз нима? — сўради Илҳом.

— Аччиқ сув.

— Шунинг учун оймига аччиқ гапирар экансиз-да.

— Ёшсанда, ўғлим. Гап ҳам аччиқ бўладими?

— Бўлмаса ойм нега гапингиздан гоҳ қувонади, гоҳ йиғлайди?

— Хе, тирмизак, буни уйланганда биласан.

— Хўп, дада, уришманг, уйланганда биласан.

#### КЕКСАЛАР

Укам Турғун билан трамвайда ўтириб борардик.

— Ака, анави чолга жой берайлик, — деб қолди бир пайт Турғун. Мен ялт этиб тепамизда турган, Турғун жой бермоқчи бўлган йўловчига қарадим.

— Ўтиравер, тушганимиздан сўнг ўтиради. Соч-соқоли елкаси ва кўксига тушган мажнунсифат йигит аввал Турғунга, сўнг менга ажабланиб қаради.

— Вой, қари чол экан, жой берайлик, — деди Турғун бидирлаб. Мен кулгидан аранг ўзимни босдим.

— Бола-да, кекса билан ёшнинг фарқига борармиди, — деб кўйди ёнимизда ўтирган кампир.

#### КИМ ЯХШИ

Кичкина Эркиндан ҳазил қилиб сўрадилар:

— Ойингни яхши кўрасанми, даданганими? — Иккаловини ҳам. Ойим богчага олиб боради, дадам олиб келади.

Ф. Фафуров

### ЛАТИФАЛАР

Тарих музейида бир томошабин аёл юшкоқ курсида ўтириб дам олмоқчи бўлди.

— Бу ерда ўтириш мумкин эмас, ушбу курси Людовик XIV ники, — деди музей назоратчиси.

— Ташвишланманг, у келса жойини бўшатиб бераман.

География дарсида муаллим ўқувчига компасни тунтирарди:

— Ана бу компас миллини кўраёсанми? Унинг олди — шимол. Қани айтчи, орқангдаги нима?

Уқувчи ногоҳ қизариб, деди:

— Наҳотки иштонимнинг йиртиги кўриниб турган бўлса?

Судья айбланувчига деди:

— Улфатингизнинг бошига пиво кружкаси билан урганингизда ақлу ҳушингиз жойида эмасмиди?

— Худди шундай.

— Буни нима билан ишотлайсиз?

— Кружкада пиво тўла эди-да!

Бир киши газетага шундай эълон берибди:

«Битта 50 ёшли хотинимни иккита 25 ёшли хотинга алмаштираман».

— Қорхонангизда нечта одам ишлайди?

— Уста билан 10 киши.

— Устасизчи?

— Ҳеч ким.

### ҚУРБОН ҲАЙИТИНИНГ ИЗ МАРБОРАК!



#### РАВЗАТИ ХУЛҚ

• Мерос  
МАЖИД ХАВОФИЙ

Гарчи одамлар бир хил бўлсалар-да, ташқи дунёни ҳар хил қабул қиладилар. Аслида ҳамма оҳан (металлар) асоси тош бўлгани билан биридан ўткир найзалар, бошқасидан эса белкуррак ва болталар ясайдилар.

Ўз фарзандингни яхши хулқ-одобли ва ақлли бўлишга ўргат...

Кимки ёшлиқдан яхши хулқ-одоб эгалламас экан, улғайганда ундан билим талаб қилма.

Амалий (илм) охиратдаги бахт-саодат учун ёки бу дунёдаги ҳаётни тартибга солиш учун хизмат қилади.

Илм намояндаларига бахиллик қилма, зеро илм ха-

зинадирки, ундан қанча фойдалансанг ҳам, бойликдан фарқли ўлароқ, барибир кўпайиб бораверади.

Илм билан амалиёт туз билан таомга ўхшайди. Кимда мана шу икки нарса маъжуд экан, ундай одам тўла маънода доно ҳисобланади. (Чунки) овқатни тузсиз истеъмол қилиш мумкин, тузи эса таомсиз ишлатиб бўлмайди.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир :  
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:  
Абдувоҳид ЖҲУРАБОВ  
Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ  
Иззат АҲМЕДОВ  
(Масъул котиб)  
Мирнулат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Ёқубжон ХУҲАМБЕРДИ  
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК  
КЕНГАШИ:  
Бўриной АҲМЕДОВ

ОТАУЛИ  
Саидмахмуд АКБАРОВ  
Шоҳруҳ АКБАРОВ  
Меҳмонқул  
ИСЛОМУҚУЛОВ  
Тўлқин  
ЛУТФУЛЛАЕВ  
Тоғай МУРОД  
Саид СИДИҚОВ  
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.  
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600  
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарририятта келган кўлэмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фирм-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъуляти муаллифлар зиммасидадир.  
Рўйхатта олиш №000011. Буғуртча №Г-0227. 10874 нусxada чоп этилди.  
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ. НАШРИЁТ-МАТБАА  
КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.  
Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6



